

Малайзия Ислом иқтисодига эга энг муваффақиятли давлат сифатида тан олинди



15:40 / 11.04.2022 3424

Глобал Ислом иқтисодиёти ривожланган 81 давлат орасидан исломий молия бозорида Малайзияни биринчи ўринда эканлигини тан олди. Малайзия ҳалол озиқ-овқат маҳсулотлари, Ислом молияси, мусулмонлар учун қулай саёҳат ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳордиқ чиқариш бўйича энг юқори кўрсаткич билан Саудия Арабистонини ортда қолдирди. Бундан ташқари Жануби-Шарқий Осиё давлати фармацевтика, мода ва косметика бўйича ҳам биринчи ўнталикка кирди.

Малайзия 9 йил кетма-кет биринчи ўринни эгаллаб, Ислом қонунларига мос келадиган маблағлар қийматининг 20% га ўсишидан фойда кўрган ҳолда исломий молия соҳасида яхши натижаларга эришди.